



2020 yil « 24 » август

№ 641-К

Jomboy t.

Хакимов Маруфга боғдорчиликга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан талабгорлар Хакимов Маруф ва Меликов Муродлар ўртасида ўтказилган танлов якунлари ҳужжатларини ҳамда Самарқанд шаҳри Андижоний кучаси 20-уйда яшовчи фуқаро Хакимов Маруфнинг боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер ажратиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг хулосасига, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан фуқаро Хакимов Маруфга боғдорчилик ихтисослиги бўйича фермер хўжалик ташкил этиш учун туман ҳокимлиги ихтиёридаги (Далер агро грант фермер хўжалигидан қайтариб олинган) Жомбой массивида жойлашган 1257, 1353, 1255-контурлардаги жами 10,2 гектар, шундан сувли экин ери 2,4 гектар, боғзор 7,4 гектар, йўллар 0,2 гектар, канал ва коллекторлар 0,2 гектар ер майдонлари 49 (қирқ тўққиз) йил муддатга ижарага ажратилсин.

2. Фуқаро Хакимов Маруфга туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасидаги ер ижара шартномасини расмийлаштириш бўйича туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига 3 кун муддат ичида мурожаат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

3. Жомбой туман «Давлат хизматлари» маркази директори (Р.Раҳматов)га белгиланган тартибда фермер хўжалиги Низомини рўйхатга олиш ва бу ҳақда тегишли ташкилотларга расмий маълумот бериш топширилсин.

4. Фермер хўжалиги бошлиғига ижарага берилган ер майдони бўйича ҳамда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғрисида ҳисобот туман статистика бўлимига ҳамда тегишли ташкилотларга бериб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжалигига ер ажратиб бериш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиб бориш вазифаси топширилсин.

6. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Азаматов)га фермер хўжалигини бюджет билан бўладиган муомаласини белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

7. Фермер хўжалиги бошлиғига ўз муддатларида белгиланган (моддий техника базасини яхшилаш) устав жамғармасини шакллантириш вазифаси топширилсин.

8. Туман ҳокимининг ўринбосари А.Икромовга, туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Ғ.Ҳоджаев)га фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларида 2020 йил ҳосили учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари сўммаси турлари бўйича тақсимлаш, «Жомбой дон маҳсулотлари» АЖ билан ғалла топшириш шартномасини расмийлаштириш ва давлатга ғалла топширилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда (ноқонуний ҳар қандай қурилишлар қурилганда) фойдаланилганда ва 7-бандига асосан ер участкасининг ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда ушбу қарор ўз кучини йўқотиши ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор бўлиши ва давлатга келтирилган зарар ердан фойдаланувчидан ўндирилиши ва ноқонуний қурилган ҳар қандай қурилиш фермер хўжалигининг раиси томонидан буздирилиб бартараф этилиши тўғрисида фермер хўжалиги раиси Хакимов Маруф ушбу қарор билан огоҳлантирилган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Икромов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Собиров